

2014/2,  
kuz fasli



# SO'Z SAN'ATI

ИСКУССТВО СЛОВА  
WORD ART

Ilmiy maqolalar to'plami

- ❖ *Lingvopoetika*
- ❖ *Kulturologiya*
- ❖ *Nutq madaniyati*
- ❖ *Tarjima san'ati*



## МУНДАРИЖА

### ТАРЖИМА САНЪАТИ

✓ Астанова З. “АЛВИДО, ҚИРОЛ!” ДА ТАСВИР ВА ТАЛҚИН.....	3
✓ Султонова Р. БИЛВОСИТА ТАРЖИМАЛАРДА ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛ.....	4
✓ Бердиалиев Б. ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИНИНГ НЕМИС ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА.....	10
✓ Исмаилова Н. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ.....	12
✓ Fazildinova S. A NAVOI IS -MOTIVATOR OF GOOD DEEDS .....	14

### КУЛЬТУРОЛОГИЯ

Носиров А., Темирхонов С. “КЎҲНА ДУНЁ” РОМАНИДА ПОЛИФОНИК ТАСВИР.....	17
Сайдуллаева С. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА РЕАЛИЯЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА (АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ХАМСА” АСАРИ “САБЪАИ САЙЁР” ТАЛҚИНИДА).....	20
✓ Абдусаламова Л. ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ - «ЗЕРКАЛО ЖИЗНИ НАЦИИ».....	22
Зарипов А. “ТАФАККУР ҚАРВОНЛАРИ” ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ЧОРЛОВ.....	24
Қаюмов С. ФРАНСУЗ ШЕЪРИЯТИДА ҚОФИЯНИ ТАЙЁРЛАШ ВА КУЧАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ.....	27
✓ Умирова Ф. ДУНЁНИ БИЛИШ УНИНГ МИЛЛИЙЛИГИ ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ.....	31
Шукурова А. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖДОДИДА АДИБ АҲМАД ҚАРАШЛАРИ ТАЛҚИНИ.....	35
Турдиева Ю. ШАҲС КОНЦЕПСИЯСИ ВА ҲАЁТ ВОКЕЙЛИГИ .....	37
Мўминов А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ИЖРОЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.....	39
Тошпулатов М. ХОРАЗМ МУСИҚАСИ ТАРИХИ .....	41
Шодиева С. ВАФО ВА САДОҚАТ ГАВҲАРИ.....	44
Холмурадова Л.Э., Билялов И. РОЛЬ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ КАК НОВОЙ КОМПЛЕКСНОЙ ФИЛОЛОГИЧЕСКОЙ ДИСЦИПЛИНЫ.....	48

хусусиятларининг такрорланиши ҳам ошкора кўришиб турибди: бу такрорланиш оҳанг кўтарилиши ва пасайиши билан товуш тўлқинининг кучайиши ва сусайишида намоён бўлади.

Демак, “қофияни кучайтириш” вазияти учун қуйидагилар зарур: қофияни тайёрлайдиган камида иккита сўзнинг бўлиши; қофияни тайёрлайдиган кўпчилик элементларнинг ритмик ва оҳанг жиҳатдан аниқ позисияси; товуш тўлқинининг пасайиш даври (пасайиш даврининг йўқлиги маъно мазмунга боғлиқ товуш-оҳанг таъсири сифатида қаралиши мумкин). Қофияни кучайтиришга нисбатан юқорида айтилган фикрлар Верленнинг айрим шеърларидаги якунловчи қофияни янги сифат тарзида қарашга имкон беради. Бу сифат, кўпинча, оҳангдош товушларнинг шеър ичида аста-секин миқдор жиҳатдан тўпланиши натижасида пайдо бўлади.

Биз кўриб чиққан ички оҳангдошликлар ва уларнинг якунловчи қофия билан бирикмалари шеър мелодияси гармониясининг қуйидаги усулларини касб этади:

а) уч аъзоли оҳангдошликлар – учаъзоли синтагмали қофиялар ва ассонанслар, вариангли қофиялар ва ассонанслар, якунловчи қофиянинг таянч қофияланган сўзлар ва такрорлар билан бирикмалари ҳамда қофияни тайёрлашнинг ўзи.

б) кўп аъзоли оҳангдошликлар – қофияни кучайтириш. Уйғунлаштиришнинг бу икки усули – учаъзоли ва кўп аъзоли оҳангдошликлар – энг мураккаб ва энг мукамал усул ҳисобланади ва улар орасида айниқса якунловчи қофиянинг жуфт қофияланган сўзлар ва такрорлар билан бирикмалари, қофияни тайёрлашнинг ўзи ва унинг кенг кўламда ташкил этилган варианты қофияни кучайтириш сифатида белгилаб кўйилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Любимова Н.А., Питежанинова Н.П., Солова Е.Г. *Звуковая метафора в поэтическом тексте* – СПб., 1996. – 144 с.
2. Барнхедс Р., Берсани Л., Хамон Пх., Риффатерре М. (соус ла дир. де). *Литература эт рэалитэ*. – Парис: Сеул, 1982. – 192 п.
3. Барнхедс Р. *Митхологияс*. 1957. – Лондон: Винтаге, 1993. – 256 п.
4. Граммонт М. *Траитэ де пхонэтикуе*. – Парис: Librairie Delagrave, 1946. – 480 п.

## ДУНЁНИ БИЛИШ УНИНГ МИЛЛИЙЛИГИ ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

Феруза Умирова, СамДЧТИ магистранти

Тил доимо инсон ҳаёти, унинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқдир [5, 36]. Шундай экан, тил ва тилшунослик билан боғлиқ қизиқишлар турли соҳа инсонларини ўзига жалб этиб келган. Ўз навбатида тил мулоқот воситаси сифатида қадимги даврлардаёқ мулоқот маданиятининг бир кўринишига келган эди. Кишилар орасидаги мулоқот маданияти қадим-қадимдан олимлар, файласуфлар, мутафаккирлар ва ижодкорларни қизиқтириб келган. Қадимги Юнон, Рим файласуфлари ҳамда кўҳна Шарқ мутафаккирлари, ижодкорлару олимлари ҳам мулоқот маданияти, нутқ одоби борасидаги фикрларини ўзларининг турли асарларида маълум даражада ифодалаб келганлар. Хусусан, Аристотел, Цицерон, Беруний, Форобий, Ибн Сино каби файласуф ва мутафаккирлар, Яссавий, Югнакий, Навоий, Бобур, Хоразмий, Мўминс, Машраб, Аваз Ўтар, Фуркат, Фитрат, Авлоний, Бехбудий каби

ижодкорлар ўз асарларида бу масала юзасидан атрофлича мулоҳаза билдириб ўтганлар.

Бирок нутқ маданияти масалалари билан жиддий, яъни нутқ маданияти, нутқ жараёнларини махсус лингвистик планда текширишни Прага тилшунослик мактаби вакиллари бошлаб беришди [1, 8]. Бу масалани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўрганиш XX асрнинг 20-30 йилларида бошланди. Кейинчалик, яъни 60-70 йилларга келиб рус тилшунослигида ҳам бу соҳа юзасидан иш олиб борувчи тадқиқотчилар сони тобора ортиб, бир неча тадқиқот ва монографиялар пайдо бўлди. Хусусан, А. А. Леонтьев, Н. В. Уфимцева, Ю. А. Сорокин, А. В. Шчерба, В. В. Виноградов каби таникли олимлар бу борада эътиборга молик тадқиқотларни амалга оширди. Туркологияда эса бу масала Ф. Ф. Султонов, Н. Джунусов, А. Меджидова, Т. Айдаров каби олимлар томонидан тадқиқ этилди. Ўзбек тилшунослигида бу соҳа анча ёш соҳа ҳисобланади дейишимиз мумкин. Зеро 70-йилларда бу масалаларни назарий жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратила бошланган бўлса-да, бу масала жиддий тарзда кун тартибига қўйилган эмасди [2, 8]. Ўзбек тилшунослигида олимлардан Ё. Тожиёв, С. Иброҳимов, Э. Бегматов, И. Иброҳимов, Б. Ўринбоев, С. Каримов, А. Рустамов, Н. Маҳмудов, Ш. Искандарова каби олимлар бу борада маълум ишларни амалга оширганлигини таъкидлаш жоиз. Буларнинг натижаси ўларок, бир қанча монографик тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, яратилган бу тадқиқотларнинг барчасида нутқ маданияти масаласи лингвистик, услубий ёки педагогик жиҳатдан тадқиқ этилган эди.

Кейинги йилларда инсонлар ўртасидаги нутқий мулоқот, бу мулоқотнинг социолингвистик, психолингвистик, прагматик, лингвокультурологик жиҳатларини ўрганишга эътибор янада кучаймоқда. Нутқ маданиятига ижтимоий-лисоний аспектда ёндашишни ўзбек тилшунослигида ҳам кенг тадқиқ этилиши [1, 8] бошланди. С. Муминовнинг “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” номли тадқиқотида нутқни ижтимоий лисоний хусусиятларига кўра тадқиқ этиш йўллари ва зарурлиги, миллий онг ва миллий мулоқот хулқи, миллий тафаккур ва миллий мулоқот маданияти, мулоқот жараёни бошқичлари ва таркибий қисмлари каби қатор масалаларнинг назарий асосларини очиб беришга ҳаракат қилди. Албатта, бу тадқиқот нутқ маданиятини янгича аспектда ўрганиш борасида қилинган эътиборга молик тадқиқот эди. Ҳозирда бу масалалар олимнинг шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда [2, 12]. Албатта, бу тадқиқотлар нутқ маданияти ёки мулоқот хулқини ижтимоий-лисоний аспектда тадқиқ этувчи илк уринишлар эди. Лекин шундай бўлса-да, бу тадқиқотларда жуда кўп масалалар ўз ечимини топа олди. Хусусан:

1. Мулоқот хулқининг миллий психология билан боғлиқ жиҳатлари назарий жиҳатдан асосланди.
2. Мулоқот хулқининг худуд, жинс, ёш ва соҳа жиҳатдан хосланиши асосланди.
3. Ўзбек тилида нисбатан кам тадқиқ этилган нолисоний ҳодисалар (новербал воситалар)нинг нутқ жараёнидаги иштироки ва шу жараёнга таъсири масалаларига янада муружаат қилинди.
4. Мулоқот хулқининг турли соҳалар бўйича хосланиши масаласи илмий асосланди.

Кейинги йилларда тил ва унинг фактик бирликларига нисбатан анъанавий тарзда ёндашишдан янгича йўналишларга ўтибди. Шунинг учун сўнги йилларда функционал лингвистика, психолингвистика, тилшуносликнинг коммуникатив лингвистикаси, текст лингвистикаси, лингвопрагматика каби янги тармоқлар юзага келди [3, 40]. Мулоқот факат нутқий йўл билан эмас, балки нолисоний воситалар билан ҳам амалга ошади. Алоқа аралашув жараёни ва унинг коммуникантлар томонидан идрок этилиши масаласи тилшуносликда прагматик йўналишнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлди [2, 16]. Прагматика тилни тадқиқ этишда тил бирликларини шу тилдан фойдаланувчи шахс ёки шахслар билан муносабати асосида текширувчи йўналиш ёки усул бўлиб, тилни инсон билан бирга ўрганиш кераклиги ҳақидаги тезисни илгари суради. Демак, прагматика ёки прагматика ҳам тилшуносликда пайдо бўлган янгича тадқиқ аспекти ҳисобланади.

“Прагматика” атамаси дастлаб тилшунослик фанига XX асрнинг 30-йилларида машҳур назарийчи Ч. У. Моррис томонидан киритилган. У прагматикани семиотиканинг таркибий қисмларидан бири деб таъкидлайди [5, 115]. Маълум олимлар фикрича [2], “семантика” белгилар (тил бирликлари)нинг уларда ифода этган нарсаларга муносабатини, “синтактика” белги (тил бирлиги)нинг белги (тил бирлиги)га муносабатини назарда тутлади. Прагматика эса инсон қандай шароитда ва нима мақсадда гапираётганини очиқ беришга интилади, ифоданинг прагматик эффекти қандай эканлигини тўғригиришга ҳосланади.

Лингвопрагматика ўзининг аниқ чегарасига эга эмас. У бир қатор масалаларни ўз ичига қамраб олади:

1) нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда унинг аниқ ва яширин мақсади, нутқий ахлоқ типлари, сўзловчининг ўз хабарига муносабати, ифодада баҳо мазмун;

2) нутқ адресати билан боғлиқ тарзда ифоданинг адресатга таъсири – эмоционал ўзгариш, нутқий реакция типлари;

3) мулоқот (коммуникация) иштирокчиларининг ўзаро муносабати билан боғлиқ тарзда нутқий аралашув формаси, мурожаат шакллари, коммуникантлар нутқий актлари, илтимос, буйруқ, тавозе, мурожаат қилмок кибилар шулар жумласидандир.

Бадий асар тилини ижтимоий лисоний ва прагматик тадқиқ этишда семантик пропозиция ва пресуппозиция каби алоҳида аҳамият касб этади. Пресуппозиция гапда иштирок этаётган бўлақлар орқали ифодаланаётган маъно эмас, балки зоҳирий маъно остидаги қўшимча – боғиний маъно. У экстралингвистик воситалар билан англашилади. Чунки сўзловчи бирон фикрни айтиш билан ўша фикр орқали қўшимча ниятини ҳам ифода этади.

Шунингдек, лингвопрагматика ўрганиш объекти нуқтаи назаридан семиология, стилистика (услугият) каби соҳаларга жуда яқин туради. Шунинг учун прагматиканинг ўрганиш объекти ва чегарасини аниқроқ белгилаб олиш муҳим бўлади. Аслида уларни ажратиб олиш унчалик мушкул эмас, чунки стилистиканинг тадқиқ объекти марказида нутқнинг функционал турлари туради ва тил бирликларининг услубий характери назарда тутилади. Лингвопрагматикада эса асосий эътибор мулоқотнинг икки томонламалигига (сўзловчи-тингловчи) қаратилади. Прагматика сўзловчининг 1) моддий борада; 2) хабарнинг мазмунига; 3) адресат (тингловчи)га бўлган

муносабатини ифодалар экан сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив актдаги иштирокида гап оҳанги (ишонч, қатъият, дадиллик, қўрқув, ишончсизлик, гумон, ҳадик, хурсандлик ва бошқалар), луғавий бирликлардан фойдаланиш, новербал воситаларни қўллаш каби коммуникатив унсурлар аҳамиятли саналади ва коммуникантлар ҳақида қўшимча хабар беради. Тил бирликларининг прагматик вазифаси контекст, нуткий вазият, сўзлашувчиларнинг тил кўникмалари ва нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлар билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Нуткий мулоқотда прагматик мазмун ойдинлашишида нутқ, сўзланаётган мазмун, вазият, сўзловчи ва тингловчининг маънан, руҳан, ақлан яқинлиги каби омиллар ҳам ёрдамга келади.

Кўриниб турибдики, мулоқот хулқини ижтимоий-лисоний аспектда ўрганиш янги пайдо бўлгани каби бадиий асар тилини ижтимоий-лисоний ва прагматик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам худди шундай янги тадқиқ аспекти ҳисобланади. Тўғри, бадиий асар тили адабиётшунослар томонидан турли хил аспектда тадқиқ этилган. Тилшунослар томонидан эса бадиий асар тили услубияти, бадиий асар лексикаси (аниқ асар мисолида) каби масалалар юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Маълумки, инсоннинг ким эканлиги, унинг ички дунёси, руҳияти унинг бошқалар билан бўладиган мулоқоти жараёнида очиқ борилади. Бу мулоқот жараёни конфликтлардан, қарама-қаршиликлардан, зиддият ва тўқнашувлар, учрашув, мулоҳаза, муҳокама кабилардан ташкил топиши мумкин. Бадиий асарларда қаҳрамонлар характер-хусусиятларини очиқ беришда уларнинг ўзаро алоқалари, яъни диалоглар муҳим роль ўйнайди. (Албатта муаллиф томонидан берилувчи тавсифий баёнлар ҳам қаҳрамон кифёсини шакллантириш учун хизмат қилади. Аммо асосий хулоса уларнинг мулоқот жараёнлари (диалоглари) дан келиб чиқади). Чунки диалоглар суҳбатдошларнинг кетма-кет келадиган ифодалари – репликаларидан ташкил топади.

Инсонлар орасидаги мулоқотни янги аспектда тадқиқ қилиш нутқнинг фақат лисоний хусусиятларини очиқ берибгина қолмасдан, унинг ижтимоий функцияси, турли хил жиҳатдан хосланиши, нутқнинг миллий тафаккур ва миллийлик билан алоқадорлиги, нутқнинг маданият билан алоқадорлиги каби кўплаб жиҳатларини атрофлича ёритишга имкон яратади. Кўриниб турибдики, бадиий асардаги диалогларни прагматик тадқиқ этиш бугунги кундаги янча муҳим ва мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мўминов С. *Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари*. Филол. фан. докт. дисс. Т. 2000. -224 б
2. Расулов Қ. *Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши*. Филол. фан. номз. автореф. Т. 2008. -16 б
3. Сафаров Ш. *Когнитив тилшунослик*. "Сангизор" нашриёти Жиззах- 2006. - 91 бет.
4. Сафаров Ш. *Прагматингвистика*. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Тошкент, 2008. -300 б.
5. Ҳакимов М.Х. *Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари*. Филол. фан. номз. дисс. Т., -1993, 115-бет.